



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 16 декабрь, № 268 (8611)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 декабрь куни Қатар Давлатининг Қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича маркази Васийлик кенгаши раиси Али Муҳсин ал-Маррий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида раис Али Муҳсин ал-Маррий давлатимиз раҳбарига Қатар Амири Тамим бин Хамад Ол Сонийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди. Ўзбекистон билан Қатар ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Узаро савдо ва инвестициялар ҳажми ортмоқда, йи-

рик қўшма лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Бўлажак муҳим халқаро тадбир — Қатар Амири ташаббуси билан таъсис этилган “Коррупцияга қарши курашишда улкан ютуқлар учун” глобал мукофотини топишиш маросимини Ўзбекистонда ўтказишга тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди. Коррупцияга қарши курашиш со-

ҳасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, тажриба алмашиш ва қўшма таълим дастурларини амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Сенат Кенгашида

ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАЧОН ЎТКАЗИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Унда Сенатнинг қирқ саккизинчи ялпи мажлисини 2023 йил 18 декабрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, видеоконференцадоқ тизимдан фойдаланган ҳолда ўтказилган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган.

“2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги, “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Солиқ ва бюджет сўбасининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунларни ҳам кўриб чиқадилар.

чалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Сенаторлар ялпи мажлисда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунларни ҳам кўриб чиқадилар.

Шунингдек, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунларни ҳам кўриб чиқадилар.

Бундан ташқари, ялпи мажлис кун тартиби доира-

сида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар ҳам муҳокама этилади.

Сенаторлар Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “Йўл хариталари”да белгиланган вазифалар ижроси, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан иқлим ўзгаришининг олдини олишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш бўйича олиб борилаётган фаолият юзасидан вазирликнинг ахборотини эшитиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш каби масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИНИНГ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 декабрь куни иқтисодий ривожланиш, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чакрабарти билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурининг натижадорлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг бориши ва келгуси режалар кўриб чиқилди. Инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, хориджаги

етақчи компания ва молиявий институтларни жалб қилган ҳолда иқтисодий турли тармоқларида йирик лойиҳаларни илгари суриш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёни ва мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 декабрь куни ёшлар сиёсатида амалга оширилган ишлар ва келгуси йилдаги устувор вазифалар бўйича ҳисобот билан танишди.

Бу борадаги чора-тадбирлар 7 та йўналишда амалга оширилди. Давлатнинг алоҳида эътиборига муҳтож 396 минг нафар ёш мутасадди раҳбарларга бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш орқали 331 мингнинг ҳаётида ўз ўрнини топишига кўмаклашилди. Жумладан, 94 минг нафарнинг бандлиги таъминланди, 56 минги касб-хунарларга ўқитилди.

“Ёшлар дафтари” орқали кўрсатиладиган ёрдам турлари сони 30 тага етди, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати эса 30 кундан 5 кунга қисқарди.

Жорий йилда ёшлар етакчилари тавсияси билан 338 минг нафар йигит-қизга 444 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Хусусан, талабаларнинг шартнома маблағлари тўланиши, хориджий тиллар ва замонавий касбларга ўқитиш харажатлари қоплаб берилди. Ишсиз ёшларга меҳнат қуроллари ажратилди.

Ҳар бир маҳаллада “Ёшлар бандлиги дастури” амалга оширилиб, жорий

йилда 236 минг нафар ишсиз йигит-қиз ва 189 минг нафар мактаб битирувчисининг бандлиги таъминланди. “Беш ташаббус олимпиадаси” бу йилдан бошлаб 4 та йўналишда — маҳалла, мактаб, профессионал таълим ва олийгоҳлар тизимида ўтказилиб, жами 12 миллион нафар ёш қамраб олинди. Унда голиб бўлган ёшларнинг маҳаллаларида жами 623 та спорт майдончаси барпо этилди.

Истеъдодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги Ёшлар ижод саройида кечаю-кундуз фаолият юритадиган илк “Креатив парк” фойдаланишга топширилди. “Заковат” ва бошқа интеллектуал ўйинларга 2 миллион нафар ёш жалб қилинди.

Президентимизга Навоий вилоятида барпо этилган Тўдақўл халқаро шахмат мактаби тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Замонавий инфратузилма билан таъминланган ушбу мактаб йил давомида 1 минг 700 нафар ўғил-қизни ўқитиш ва 7,5 минг нафар

лан бериладиган ёрдам турлари трансформация қилиниб, асосий эътибор уларни замонавий касб-хунарга ўргатишга қаратилади.

Болаларнинг кўникмалари, қизиқишлари ва истеъдодини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон болалар ташкилотини тузиш тақлифи билдирилди. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш борасидаги илмий-тадқиқот ва таҳлилий ишларни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

“Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали хориджий тилларни ўрганаётган ёшлар сонини 1 миллион нафарга, “Мутолаа” дастури орқали ёш китобхонлар сонини 1,5 миллион нафарга етказиш чоралари кўрилади. Бунинг учун ҳудудларда қўшимча инфратузилма барпо этилиб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидор ва истеъдодини рўбга чиқариш учун янада кенг шароитлар яратилади.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, тадбиркорлик субъектлари манфаатидан келиб чиқиб, уларга қулайлик яратиш, болалар ҳуқуқларини кафолатлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилмоқда

Мажлисида депутатлар “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур қонун лойиҳаси билан тадбиркорлик субъектлари манфаатидан келиб чиқиб, уларга қулайлик яратиш мақсадида 2024 йил учун белгиланган солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкалари — қўшилган қиймат солиғи, фойда, жисмоний шахслардан олинган даромад, юридик шахсларнинг мол-мулк, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи, ижтимоий солиқ, айланмадан олинган солиқлар ўзгаришсиз қолдирилмоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик

субъектлари учун қўшимча энгилликлар яратиш мақсадида камерал солиқ текширувида тадбиркордан ҳужжат талаб қилиш, бино ва ҳудудларига кириш ёки уни идорага чақириш тақиқланмоқда.

Бундан ташқари, солиқ мажбурияти бўйича давво қилиш мuddати 5 йилдан 3 йилгача қисқартирилмоқда. Фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнақ тўловларини тўлаш лозим бўлган тадбиркорлар даромадининг chegarайи микдори 5 млрд. сўмдан 10 млрд. сўмга оширилмоқда.

Қонун лойиҳасида солиқ солиш базисини кенгайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, инфляция даражасидан келиб чиқиб акциз солиғи ва ресурс солиқларини индексациялаш белгиланмоқда. Шунингдек, ресурс солиқларининг ўз вақтида тўлашини таъминлаш мақсадида солиқ тўловчининг шахсий кабинети, уяли телефон рақамига ва солиқ органларининг махсус мобил уловисига SMS-хабарнома шаклида солиқни тўлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби киритилмоқда.



Биз ва жаҳон

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ БОШ КОТИБИ МАРТИН ЧУНГОНГА «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ УЧУН» КЎКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллиги тантаналарига бағишланган расмий-маданий тадбирларда иштирок этиш учун Швейцарияга ташрифи доирасида Парламентлараро Иттифоқ бош котиби Мартин Чунгонг билан учрашув ўтказди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ахборот хизмати маълумотиغا кўра, Парламентлараро Иттифоқ бош котиби Мартин Чунгонг 2023 йилда “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишонини билан тақдирланган эди. Ўзбекистоннинг дўсти ва яқин ҳамкори ушбу мукофотга инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун сазовор бўлди.

Узаро мулоқот асосида делегация раҳбари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ушбу мукофотни тантанали равишда топширди.

Мартин Чунгонг ўзи раҳбарлик қилаётган халқаро ташкилот фаолиятида, шунингдек, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш ва қўшма тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш борасида Ўзбекистон парламентининг ўрни алоҳида эканини таъкидлади.



Оливье ОРДАС:

МЕН БАХТИМНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТОПДИМ

Франция Республикаси фуқароси, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси собиқ атташеси, Ички ишлар вазирлигининг истеъфодаги комиссари — Оливье Ордас билан суҳбатимиз айнан шу эътирофдан бошланди. У ўтган йили ўз оиласи билан Тошкентга кўчиб келган.

Бизнинг суҳбат

Месье Ордас бизнинг юртимизни севади, олиб борилаётган ислохотлардан завқланади ва янги Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонади. Хўш, парижлик дипломат ва комиссар учун Ўзбекистон қандай қилиб иккинчи ватанга айланди?

— Ўзбекистонга илк бор 2004 йили келганман, — дейди суҳбатдошимиз. — Тўрт йил давомида Франциянинг Тошкентдаги элчихонасида ишладим. Ушандаёқ мамлакатингизнинг қадимий маданияти, миллий муҳика ва халқингиз менталитети, урф-одатлари кўнглимдан жой олган эди. Айниқса, ўзбек оиласидаги самимият, маънавий иқлим менга жуда ёқди. Жамиятда та-

рихий илдизлар ва аъналарга, миллий қадриятларга ҳурмат сақланиб қолган ва мен бунинг жуда муҳим, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонда кўп дўстлар орттирдим. Ва бўлажак рафиқам Шахноза билан ҳам шу ерда танишдим. Унинг ота-онаси университетда фаолият олиб боради ва бизнинг танловимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишди. Тўйимиз Тошкент-

да бўлиб ўтди. 2008 йили эгизак ўғилларимиз дунёга келди.

Кейинчалик Парижга кўчиб кетдик ва у ерда ўн йилдан кўпроқ яшадик. 2021 йили ИИВ ходими сифатида нафақага чиқдим. Ўзбекистон мен ва оиламиз учун ниҳоятда қадрдон мамлакат ва шу боис ўтган йилнинг август ойида бу ерга кўчиб келдик.



СУҒУРТА
ФАОЛИЯТИ
ФУҚАРОЛАРНИ
ҚОНҚИТЯРЯПТИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг суғурта бозорида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қисмининг ижросини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Ўрганиш

Таъкидланганидек, мазкур қонунга мувофиқ, 2023 йил 9 ойда фаолият юритиб келаётган жами 42 та суғурта ташкилоти томонидан жисмоний ва юридик шахсларга 150 дан ортиқ суғурта хизматлари кўрсатилган. Айни чоғда истеъмолчиларга умумий суғурта соҳасидаги ташкилотлар томонидан 1 026,3 млрд., ҳаёти суғурта қилувчи ташкилотлар томонидан эса 349,3 млрд. сўм тўловлар тўлаб берилган.

Шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бора-сида жорий йил 9 ой якунлари бўйича ваколатли давлат органига келиб тушган жами 2053 та муносабатдан 1 229 таси ижобий ҳал этилиб, 13,9 млрд. сўм суғурта қопламаси тўлашга эришилган.

Қонун асосида "Ўзбекивест экспорт-импорт суғурта компанияси" АЖнинг ҳарбий хизматчиларни давлат мажбурий шахсий суғурталаш бўйича эксклюзив ҳуқуқи бекор қилинган. Натижада барча суғурта ташкилотлари учун ҳарбий хизматчиларни давлат мажбурий шахсий суғурталаш йўналишида эркин рақобатга киришиш имконияти яратилган.

Суғурта соҳасига маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларни фаол жалб этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида суғурта фаолиятини лицензиялаш давлат хизмати 2022 йил 1 июндан бошлаб электрон шаклда "Litsenziya" автоматлаштирилган тизим (license.gov.uz) орқали кўрсатила бошланган.

Мажлиса суғурта соҳасида қатор тизимли муаммолар мавжудлиги ушбу йўналишда эркин рақобат муҳитини таъминлашга салбий таъсир этаяётгани ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Хусусан, аҳоли жон бошига суғурта муқофотларининг миқдори жаҳон бўйича 2020 йилда 792 АҚШ доллари ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2022 йил якуни билан 173 миң сўмга яъни 15,5 АҚШ доллари тенг эканлиги ва бу борада тегишли чораларни белгиллаш лозимлиги айтилди.

Ўз навбатида, суғурта соҳасида қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишда автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланилмаслиги оқибатида суғурта хизматлари қамрови паст даражаси сақланиб қолаётганига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, суғурта бозоридида суғурта тўловларини асосис рад этиш ёки ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари аҳолининг бу хизматларга бўлган ишончини пасайтиришга ҳамда рақобат муҳитининг юзага келмаслигига сабаб бўлаётгани ургуланди. Айни чоғда суғурта бозоридида самарадорлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган йўналишлардан бири бўлган — аҳоли кўчмас мулкларини техноген ва табиий офатлар ҳамда қишлоқ ҳўжалиги тавakkалчиликларидан суғурталаш амалда бажарилмагани танқид қилинди.

Бундан ташқари, суғурта бозоридидаги айрим суғурта ташкилотларининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонун талабларига зид бўлган устун мавқега эга ҳолатлари ҳам мавжудлиги айтилиб, бозор иштирокчилари учун тенг рақобат муҳитини яратишга қаратилган чораларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис якунида муҳокама қилинган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори, соҳани ривожлантириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган "Йўл харитаси" қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО
ИТТИФОҚ
БОШ КОТИБИ
МАРТИН
ЧУНГОНГА «ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ
ҲИМОЯСИ
УЧУН» КўКРАК
НИШОНИ
ТОПШИРЛАДИ

Шу муносабат билан парламентлараро ҳамкорликни кучайтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Президент Шавкат Мирзиёевга ўз миннатдорлигини изхор этди.

Мулоқот давомида БМТ Бош Ассамблеяси 2022 йил 14 декабрда қабул қилган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларолини кучайтириш тўғрисида"ги резолюция ҳам айнан Ўзбекистон ташаббуси самараси экани яна бир бор эътироф этилди. Парламентлараро Иттифоқ бош котибининг айтишича, Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя ва гендер тенглигини таъминлаш, табиий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолининг таълим даражасини ошириш ҳамда ёшлар билан ишлаш соҳаларида бекёкс таърибга эга.

Сўхбат якунида Мартин Чунгонг Парламентлараро Иттифонининг 2025 йилга белгиланган 150-ассамблеясини Ўзбекистонда ўтказишга тайёрлигини маълум қилгани учун мамлакатимиз парламентига миннатдорлик билдирди.

«Дунё» АА. Женева

ИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИК
ВА
АҲОЛИ
ФАРОВОНЛИГИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ
КАФОЛАТИ

Маълумот учун, амалда ҳабарнома солиқ тўловчиларга фақат имзо қўйдирилган ҳолда ёки почта орқали берилар эди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига энгилликлар яратиш, солиқ базасини кенгайтириш ва бюджет даромадларининг тўлиқлигини таъминлаш, иқтисодиётда яширин фаолият улушини қисқартиришга хизмат қилади.

Қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Йиғимларни боғжона
худудида тўлаш
имконияти
яратилади

"Ўзбекистон Республикасининг Боғжона ва Солиқ кодексларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Тақлиф этилаётган мазкур қонун лойиҳаси чегара ўтказиш пунктларида автотранспортлар ҳаракатини янада тартибли ташкил этиш ҳамда назорат тартиботларини содаллаштириш, республикага кириб келаётган ва транзит ўтаётган автотранспорт воситаларини боғжона расмийлаштирувдан ўтказишда чегарада ундирилиши белгиланган йиғимларни боғжона худудида Вазирилар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тўлаш имкониятини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган ва транзит ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларини давлат назоратидан ўтказишда, чегара боғжона постларида ундирилиши белгиланган йиғимларни боғжона худудида (Ўзбекистон Республикаси бўйлаб) тўлаш имконияти яратиш назарда тутилмоқда.

Бунинг натижасида республикага кириб келаётган автотранспорт воситаларидан чегара постларида йиғимларни ундириш жараёни тезлашди, тирбандликлар ва ортиқча овозгарчиликларнинг олди олинди.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нафақат республиканинг транзит салоҳиятини оширишга, шунингдек, туристик жозибадорлигини яхшилашга ва сайёҳларга қўшимча қулайликлар яратишга ҳам хизмат қилади.

Қизгин баҳс-мунозара, узок давом этган савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Талаба фарзанди
бор ота-оналарга
имтиёз берилмоқда

"Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 378-моддасига профессионал ва олий таълим олишни янада рағбатлантиришга қаратилган ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам куйи палата мажлисида муҳокама марказида бўлди.

Янги тахрирдаги Конституцияда фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи ва имкониятлари кенгайтирилди, давлат томонидан бепул умумий ўрта ва бошлангич касб-ҳунар таълими кафолатлари белгиланди.

Қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг 378-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритилмоқда. Янги фарзанди мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим ташкилотларида тахсил олаётган солиқ тўловчи унинг ўқишига йўналтирилган маблағлар қисми учун даромад солигини тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда. Амалдаги қонунчиликка қўра, ушбу имтиёздан фақатгина талаба фарзанди 26 ёшга тўлмаган ота-оналар фойдаланар эди.

Эндиликда, мазкур тартибнинг жорий этилиши билан ота-оналарга фарзандларининг ёшидан қатъи назар,

уларнинг таълим олиши учун йўналтирилган маблағлари қисмига солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Жавобгарлик қайта
кўриб чиқилмоқда

"Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Маълумотларга қўра, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнгин-қутқарув тузилмалари томонидан 2022 йил давомида 3 миң 994 нафар фуқаро фавқулодда вазиятлар ва ёнгинлардан қутқарилиб, ҳаёти сақлаб қолинишига эришилган.

Айтиш жоизки, ёнгинлар профилактикаси соҳасида тизимли ишлар амалга оширилаётганига қарамастан, ўрмон зоналарида, аҳолининг маиший ҳаётида ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида, ёнгинлар билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бермоқда.

Маълумки, ўрмон ёнгинлари жаҳон миқёсида ўрмон экотизимларига ўта салбий таъсир кўрсатади. Ер юзидида мавжуд ўрмон майдонларининг деярли учдан бир қисми хар йили олов билан қопланади. Дарахлар ёниб, атмосфера хавоси заҳарли тутундан ифлосланиб бормоқда. Шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жиддий талафот етказилиб, уларнинг ноёб ва нодир турлари янада камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун амалда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, аммо ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузиш орқали ёнгин қиқшишига олиб келганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаган. Шундан келиб чиқиб, энди бу борада алоҳида маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларда рўй берган ёнгинлар сонининг ўсганлиги ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг мавжуд тизими етарли даражада самарали эмаслигини, унинг қайта қўриб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан фуқароларнинг эҳтиётсизлиги ёки ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги туфайли уй-жой фондида одамлар соғлигига зарар етиши ёхуд ўзганинг мол-мулки шикастланиши ёки унинг йўқ қилиниши билан боғлиқ бўлмаган тарзда ёнгин содир бўлганда бундай шахсларни жавобгарликдан озод этиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мавжуд амалиётнинг бир қанча хусусиятларини ўзгартириб, ёнгинлар профилактикасининг ва табиат муҳофазаси бўйича фаолиятнинг натижадорлигини оширишга, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун маъмурий таъсир кўрсатиш чораларининг янада самарали қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисада қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Энди бино ва
иншоотлар
қурилишида
замонавий
телекоммуникация
инфратузилмаси
мажбурий бўлади

Депутатлар томонидан "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан аҳолига ва телекоммуникация соҳасида фаолият юритувчи субъектларга бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, лойиҳага қўра энди банк, тўлов тизими, тўлов ташкилоти, электрон тижорат платформаси иловалари орқали хизматларни кўрсатишда телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритиш учун лицензия талаб этилмайди.

Бугунги кунга қадар янги қурилган кўп қаватли уйларнинг айримларида тегишли инфратузилма кўзда тутилмагани сабабли қайта қурилиш ишларини олиб боришга тўғри келаётган эди. Ушбу овозгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида бундан кейин бино ва иншоотлар қурилишда замонавий телекоммуникация инфратузилмаси мажбурий бўлади.

Хусусан, кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг аризаси бўлганда хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига бинода мавжуд инфратузилмадан бегараз фойдаланиш имконияти яратилди. Операторларга телекоммуникация инфратузилмаси объектларидан биргалликда фойдаланишга рухсат берилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан амалдаги "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонунга олдин мавжуд бўлмаган қатор янги нормалар киритилмоқда. Жумладан, асосий атамалар халқаро нормаларга мувофиқлаштирилмоқда, оператор ва провайдерларнинг ўзаро тармоқ хизматларини аҳолига кўрсатиладиган телекоммуникация хизматларидан фарқлаш мезонлари киритилмоқда. Шунингдек, соҳа учун масъул органлар белгиланиб, уларнинг ваколатлари ўзаро тақсимланиб, вазифалари аниқ кўрсатиб берилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши телекоммуникация инфратузилмасидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиш орқали хизматлар қамровини ҳамда сифатини яхшилашга йўл очади. Интернетдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали эса аҳоли давлат хизматларидан фаол фойдаланади ва электрон тижоратни амалга оширади.

Мажлисада қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Бола ҳуқуқлари
бўйича вакилга
қандай ваколатлар
берилмоқда?

Мажлисада қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар оғибудсмани) тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини таъминлаш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ҳамда бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш бора-сида кенг қўлланли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги тахрирдаги Конституциямизда боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурий таъминлиги, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги белгилан бўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва кафолатлари кучайтирилиб, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилди. Болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили



(Болалар оғибудсмани) институти таъсис этилди.

Ушбу қонун лойиҳасида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг мақоми, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, вазифалари ва ваколатлари ҳамда унинг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатлари белгиланмоқда. Шунингдек, Болалар оғибудсманига мансабдор шахсларга қонунчилик бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида оғохлантириш ва тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилмоқда. Бундай ҳуқуқ Болалар оғибудсмани фаолияти таъсирчанлигини оширади. Хусусан, бу бола манфаатлари бузилишига йўл қўйган ҳар қандай мансабдорга тегишли чора қўрилишига эришиш имконияти яратилди.

Қонун лойиҳаси моддама-модда қўриб чиқилиб, бобма-боб овоз берилди. Мажлисада лойиҳадаги 22-модда, яъни Бола ҳуқуқлари бўйича оғибудсманининг ҳудудларда ҳам минтақавий вакили бўлиши ва улар вакил томонидан тайинланиши билан боғлиқ аниқлаштирувчи саволлар берилди. Шунингдек, ушбу моддада белгиланаётган яна бир демократик норма, яъни Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакили тегишли ҳудудда ҳар йили тегишчана Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига маъруза тақдим этиши қанчалик тўғри экани, бу амалиётга киритилмас, маҳаллий Кенгаш депутатлари, шубҳасиз, бир қатор муҳим саволларни ўртага қўйиши ва бунга минтақавий вакиллар ҳар жиҳатдан тайёр бўлиши билан боғлиқ айрим масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Мажлисада иштирок этган Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ушбу саволларга жавоби депутатлари қаноатлантирди.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамияти ҳамда берилган тақлифлар эътиборга олиниб, улар асосида лойиҳа матни пишиқ-пухта ҳолатга келтирилгани қайд этган ҳолда, уни қабул қилди. Айни чоғда янги қонун Болалар оғибудсманининг асосий фаолият йўналишларини белгилаб бериши таъкидланди. Қолаверса, бу институтининг асосий ташаббускори Президентимиз экани, қонун ташаббускорлари бўлган бир гуруҳ депутатлар эса мазкур ташаббуснинг амалий савол-саваллари билан ҳуқуқий асосини мустаҳкамлагани алоҳида эътироф этилди.

Соғлиқни сақлаш
вазирлиги парламент
сўрови юборилди

Мажлисада депутатлар соғлиқни сақлаш вазири А. Иноятовга "Мамлакатимизда дори воситалари ва табиий буюмларнинг улгуржи ва чакана савдоси ҳолати тўғрисида"ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш бўйича қарор қабул қилинди.

юбориш ҳақидаги масалани қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳолини зарар ва сифатли дори воситалари ҳамда табиий буюмлар билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида электрон рецент тизимини жорий этиш, фармацевтика тармоғини ривожлантиришга қаратилган 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартларидан келиб чиқиб, бугунги кунда фаолият юритаётган фармацевтика корхоналаридан юздан ортиқ халқаро ва миллий стандартлар жорий қилинган. Натижада, Ўзбекистоннинг фармацевтика бозорига ўсиш динамикаси йилга 8 — 10 фоизни ташкил этиб, МДҲ минтақасида энг тез ривожланаётган шундай бозорлар қаторидан ўрин эгалламоқда.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартларидан келиб чиқиб, бугунги кунда фаолият юритаётган фармацевтика корхоналаридан юздан ортиқ халқаро ва миллий стандартлар жорий қилинган. Натижада, Ўзбекистоннинг фармацевтика бозорига ўсиш динамикаси йилга 8 — 10 фоизни ташкил этиб, МДҲ минтақасида энг тез ривожланаётган шундай бозорлар қаторидан ўрин эгалламоқда.

Қонун лойиҳаси моддама-модда қўриб чиқилиб, бобма-боб овоз берилди. Мажлисада лойиҳадаги 22-модда, яъни Бола ҳуқуқлари бўйича оғибудсманининг ҳудудларда ҳам минтақавий вакили бўлиши ва улар вакил томонидан тайинланиши билан боғлиқ аниқлаштирувчи саволлар берилди. Шунингдек, ушбу моддада белгиланаётган яна бир демократик норма, яъни Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг минтақавий вакили тегишли ҳудудда ҳар йили тегишчана Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига маъруза тақдим этиши қанчалик тўғри экани, бу амалиётга киритилмас, маҳаллий Кенгаш депутатлари, шубҳасиз, бир қатор муҳим саволларни ўртага қўйиши ва бунга минтақавий вакиллар ҳар жиҳатдан тайёр бўлиши билан боғлиқ айрим масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Мажлисада иштирок этган Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ушбу саволларга жавоби депутатлари қаноатлантирди.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамияти ҳамда берилган тақлифлар эътиборга олиниб, улар асосида лойиҳа матни пишиқ-пухта ҳолатга келтирилгани қайд этган ҳолда, уни қабул қилди. Айни чоғда янги қонун Болалар оғибудсманининг асосий фаолият йўналишларини белгилаб бериши таъкидланди. Қолаверса, бу институтининг асосий ташаббускори Президентимиз экани, қонун ташаббускорлари бўлган бир гуруҳ депутатлар эса мазкур ташаббуснинг амалий савол-саваллари билан ҳуқуқий асосини мустаҳкамлагани алоҳида эътироф этилди.

Соғлиқни сақлаш
вазирлиги парламент
сўрови юборилди

Мажлисада депутатлар соғлиқни сақлаш вазири А. Иноятовга "Мамлакатимизда дори воситалари ва табиий буюмларнинг улгуржи ва чакана савдоси ҳолати тўғрисида"ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш бўйича қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмати:
СОҲАДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР МАВЖУД?

Мазкур ҳафтанинг илк кунидан бошлаб, Қонунчилик палатасида иш жараёни кизгин тус олди. Чунки йил якунланишига санокли кунлар қолди ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим масалаларни кечиктирмасдан қўриб чиқиш катта масъулият ва ишчанликни талаб қилади.

Муносабат

Шу нуқтага назардан айтганда, куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Б. Зокирова "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала қўриб чиқилди.

Шу ўринда "Бунга қандай зарурат бор эди?" деган савол тўғуилади. Қайд этиш керак, сўнгги йилларда мамлакатимизда тураржойлар, ижтимоий-маиший объектлар қурилиши, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларининг янгиланиши натижасида шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Мамлакатимизда қурилиш со-

ҳасига оид муносабатларни тартибга солиувчи ҳуқуқий база яратилди ва доимий тақомиллаштириб боришмоқда.

Хусусан, Шаҳарсозлик кодекси янги тахрирда қабул қилинди. Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 27 ноябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш стратегиясини 2021 — 2025 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Мазкур "Йўл харитаси"да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қурилиш соҳасининг асосий йўналишлари рақамлаштирилди, шаф-фолекл таъминланди, давлат харидларини электрон шаклда ва онлайн режимда амалга ошириш имконияти берилди. Аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик иштироки ва назорати йўлга қўйилди, соҳада давлат хизматларини кўрсатиш бўйича тартиб-таомиллар содаллаштирилиб, юридик ва жисмоний шахслар учун катта қулайликлар яратилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмати:

Оливье ОРДАС: МЕН БАХТИМНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТОПДИМ

Вақт бу қароримиз тўғри бўлганини исботлади. Уни қабул қилишда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги муносабатларнинг юқори даражада экани ўз сўзини айтди, десам, хато бўлмайди. Яъни шу ерда яшашга азму шижоати етган француз учун дипломатик ва сиёсий муҳитнинг қўлайлиги муҳим аҳамиятга эга. Албатта, мен ўз Ватаним — Францияни севман. Лекин бизга Ўзбекистонда яшаш маъқулроқ.

— **Сиз Ўзбекистонга 14 йилдан сўнг қайтдингиз. Бу орада мамлакатимизда қандай ўзгаришлар, кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Қайси ўзгаришларни, айниқса, аҳамиятли, деб ҳисоблайсиз?**

— Деярли ҳар бир соҳада янгилаш жараёни юз берган, бу ҳамма ҳолда сезилди. Йўл-транспорт соҳаси модернизация қилинган, кўпга замонавий бинолар қад ростланди. Хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ ривожланмоқда. Масалан, биз Францияда ўрганиб қолган ҳар қандай маҳсулотни бу ердаги супермаркетлардан топа оламиз. Илгари бу муаммо эди.

Шунингдек, кузатишимча, тиббиёт соҳаси жадал ривожланиб борапти. Бу жуда муҳим. Негаки, ҳар қайси юрда яхши яшаш учун керакли шартлардан бири саломатлик ҳақида қайғуриш ҳамда сифатли тиббий хизмат мавжудлигидир. Биз икки фарзандни ўстирялгимиз ва ҳар қандай шартда малакали шифокор маслаҳатини олиш имконияти бор. Ўзбекистон тиббиёти Францияникидан қолшмайди, деб бемалол айта олам.

Тавлим соҳаси бўйича ҳам шундай дейиш мумкин. Бу соҳа фаол модернизация қилинмоқда. Мухими, Ўзбекистонда ҳамма кучли ва устувор ҳисобланган жихатлар сақланиб қолди. Масалан, математика ва физика фанларини ўқитиш даражаси юқори.

Ўзбекистондаги ҳаётнинг жудаям ижобий томонларидан бири — бу ердаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик. Мен бундан ИИВ тизимида кўп йил хизмат қилган тўхтасида сифатда бемалол таъқидлаш олам. Бир вақтлар Парижда кўча ҳаракати хавфсизлиги инспекцияси бошқарганим, сўнг кўчалардаги намойишлар пайтида тартиб сақлашни таъминлаш билан шуғулланганман. Бу мураккаб иш эди. Шундан кейин шаҳар кўчаларидаги тинчлик-хотиржамликни, айниқса, қадрайсан, киши. Ўзбекистонда эса бу борада маҳалла ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу жамоатчилик тузилмаси — яқин кўшни бўлиб яшовчи одамлар — жойларда хавфсизлик, оқилолликни сақлашга биргаликда ҳаракат қилишади. Ҳамма бир-бирини танийди, қўллаб-қувватлайди, муаммоларни маслаҳатлашади.

ҳал этишга ҳаракат қилишади. Биз ҳам маҳалламизда ўзимизни хотиржам ҳис этамиз.

Мана шу омиларнинг барчаси Ўзбекистондаги кундалик ҳаёт биз учун жуда қўлай бўлишига хизмат қилди. Биз мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, дипломатик ютуқларини кузатиб борамиз. Жамиятнинг кундалик ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар бизга жуда маъқул. Бу фақат бизнинг фикримиз эмас, айни вақтда Ўзбекистонда яшаб турган кўпгина хорижликлар, экспертлар ҳам бунини тасдиқлашади.

лашга қаратилган лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон кўпга мамлакатлар ва минтақалар билан ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини йўлга қўйган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг пухта ўйланган ташқи сиёсати, оқиллиги, узоқни кўра олиши туфайли мамлакатингиз жаҳонга юз тутди, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузи ортди. Мен ушбу жараёнда мамлакат ва унинг халқи учун улкан имкониятларни кўраман.



монда жаҳонда юз бераётган тўқнашувлари ҳисобга олсак, Ўзбекистон халқининг санаб ўтилган хислатлари ўта муҳим.

Ишонманки, келгусида Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки дунё микросида етакчи давлатлардан бири бўлади. 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқандда ўтказилиши ҳақидаги янгилик ҳам бунинг тасдиғи бўлди. Сессия сўнги 40 йилда илк бор ташкилотнинг Париждаги қароргоҳидан ташқарида бўлиб ўтди. Ўзбек дипломатиясининг бундай ютуғи Ўзбекистон раҳбарининг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли амалга ошмоқда. Шунингдек, ўйлашимча, бундай қарор қабул қилинишига Франция билан Ўзбекистоннинг яхши дипломатик муносабатлари, ЮНЕСКО билан кенг доирадаги ҳамкорлиги ижобий таъсир кўрсатди.

— **Сизнингча, Ўзбекистон хали яна қандай қийинчиликлар ва муаммоларни ҳал этиши керак?**

— Албатта, камчиликсиз инсон бўлмагани сингари камчиликсиз мамлакат ҳам бўлмайди. Ҳаммасида қандайдир муаммолар бор. Ўзбекистоннинг ҳам қандайдир ўзига хос ва очим талаб қилувчи масалалари мавжуд. Аммо уларни ҳал этиб бўлмайди, дея олмайсиз. Дунёда шундай мамлакатлар ҳам борки, уларда хозирча кундалик ҳаёт яхши бўлса-да, келажакдаги турли сабабларга кўра мавжуд. Айни даврдаги воқелик нуктага назаридан шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон бугунги кунга яхши, эртаси эса бундан

Сирасини айтганда, жонажон Францияга ҳаётимда доим муҳим ўрин тутди. Лекин бугунги кунда бизнинг оиламиз ўз умрини фақат бетақдор диёр — Ўзбекистон билан уйғун тасаввур қилади. Биз мамлакатингизнинг ютуқлари билан фахрланамиз. Ўзимиз ҳам унинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш учун тайёرمиз.

Юлия ЛОГВИНА («Халқ сўзи») сўзлашди.

Гидроэнергетика

Арзон ва экологик тоза микроГЭС ишга туширилди

Замонавий тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонда кенг қўламли ишлохотлар қаторида миллий иқтисодиётимизнинг муҳим қувват манбаи ҳисобланган гидроэнергетика тармоғи ҳам изчил ривожланмоқда.



Айтиш жоизки, янги Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётида барча соҳада амалга оширилаётган жадал ҳамда кенг қўламли саъй-ҳаракатлар қаторида энергетика тармоғининг ажралмас бўғини ҳисобланган гидроэнергетика соҳасида ҳам ишлохотлар босқичма-босқич олиб борилаётган.

Сўнги йилларда инвестициявий лойиҳалар асосида янги гидроэнергетика станцияларини қуриш, узоқ йиллардан бўён ишлаб келаётган ГЭСларнинг замон талаблари асосида модернизация қилиш ишлари юқори суръатларда амалга оширилаётган.

Аёнки, Сурхондарё вилоятининг гидроэнергетик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ва бу борадаги ишларни жадаллаштириш борасида бир қанча йirik лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётган.

Хусусан, Президентимиз шу йил ноябрь ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Тўполанг ГЭСида амалга оширилган модернизация ишлари ҳамда «Зарчоб-3» ГЭСининг қурилиши бошланишига старт берган эди.

Қуни кеча Қизилқум туманидаги Исфара коллекториди «Исфара микроГЭС-1»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, мазкур микроГЭСнинг қуввати 230 кВт, ўртача йиллик 1 076 000,0 кВт-соат электр энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Ушбу объектнинг фойдаланишга топширилиши натижасида маҳаллабай тизим орқали Янгиқент маҳалласининг 460 та хо-

надони электр энергия билан таъминланади, бешта янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистонда илк бор мазкур ГЭСда барча ускуна маҳаллий ишлаб чиқариш доирасида тўлиқ ўзимизда тайёрланган. Тизим ташкилоти ҳисобланган «Сувсаноатмаш» АЖДА ГЭС учун зарур бўлган жиҳозлар ишлаб чиқарилди.

Асосийси, арзон ҳамда экологик тоза электр энергияси етказиб бериш таъминланаётган.

Лойиҳа доирасида 60 м. узунликдаги каналда реконструкция ишлари, сув тўсиши иншооти, босимли ҳавза иншооти қуришлари, босимли қувур (50 м.) ўрнатиш, қувват узатиш линияси каби қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Қайд этиш керак, гидроэнергетика соҳасининг тараққиёти мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини ошириш билан бирга янги ГЭСлар қурилаётган, модернизация қилинаётган гидротехник иншоотлар жойлашган ҳудудлар аҳолисининг турмуш фаровонлиги ошишига, ишлаб чиқариш субъектларининг электр қувватлари билан таъминланишига мустақкам замин яратяди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)

САКСОВУЛЗОРЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Қизилқумнинг инжик табиатига санокли турдаги дов-даракт ва гиёҳларгина дош берса, уларнинг ичида энг чидамлиси саксовул ҳисобланади. Бойси унда сувталаб барглари деярли йўқ, бу вазифани унинг бир йиллик новдалари ўтайди. Айнан шу новдалар ёрдамида бир гектар майдондаги саксовул бир ой мобайнида 70 куб метр кислород ишлаб чиқариш қудратига эга. Унинг намликкача етган илдиэлари орқали эса теграсидаги икки квадрат метр атрофидаги мавсумий гиёҳлар озикланади.

Умуммиллий ҳаракат

Саксовулни ўзига хос биологаторияга ҳам қиёслаш мумкин. Унинг танасида жон сақлаб қўлланган трихотомалар чўлини бир қатор зарарили ҳашаротлардан тозалаяди.

— Саксовул кучли шамолда кўм кўчишларини сусайтириб, маданий ҳудуд ва адирликларнинг унинг тўфонидан асрайди, — дейди Навоий вилояти Қорақўлчилик ва яйлос хўжалигини ривожлантириш уюшмаси раиси Улугбек Халилов.

— Шунингдек, саксовул чўл шариотиди чорва озукчаси ҳам ҳисобланади. Октябрь ойларида донни тўққан пайтларида яйлосдаги кўй-қўзилар шу

дони еб ўзларини қиш олдида тиклаб олади. Ана шундай беқиёс хусусиятларга эга ўсимликни асраб-авайлаш ва кўпайтиришни ҳаётнинг ўз тақозо этаётган. Шу боис ушбу юмушга давлат миқёсида эътибор қаратилиб, Қизилқум шимолдаги Учқудуқ тумани ҳудудида ҳам яшил химоя ўрмонзорларини барпо қилиш вазибалари белгиланган.

Туманда ташкил этилган кўргазмали семинар Қизилқумда саксовулзорларни вужудга келтиришнинг долзарб масалаларига бағишланди, уни табиий ва инсон омили билан боғлиқ нобудгарчиликлардан асраш юзасидан тавсиялар берилди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»)

нам, Мьянма, Германия, Польша, Хитой, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Жанубий Корея давлатларидир.

— **Айтингчи, тadbirkorлик фаолиятингизда Германия давлати билан алоқалар қай даражада?**

— Бу борада гапирибдан олдин Президентимизнинг топшириқлари асосида мамлакатимизнинг чет давлатлардаги энчилари билга харидор топиш ва бошқа ташкилий ишларга қўмақдош бўлганини алоҳида таъкидлаган бўлар эдим.

Мана шу ишлар натижаси ва мамлакатимизнинг Германиядаги энчионасининг кўмағи билан Германия, Швейцария, Польша давлатларига маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилди. Шунингдек, маҳсулотларимизга халқаро сертификат олиш бўйича ўзларининг тавсияларини беришди.

— **Бренд маҳсулотларингизни танитиш, дунёнинг бошқа бозорларига ҳам кириб бориш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Тadbirkor учун реклама жуда зарур. Ўз номи ва брендига эга бўлган маҳсулотни реклама қилишнинг биринчи қарор ва самарали усуллари ҳам мавжуд. Махсус брендга эга бўлганимиздан кейин олдиндан ўйлаб юрган бир ишни амалга оширидик.

— **Сизнингча, 2014 йилдан буён Нигерияга қизилқум илдиэсининг қаламчаларини юбориб келардик. Ҳамкорларимиз билан товарларни кичик ҳажмдаги қоғоз қутиларда жўнатишга келишиб олдик ва маҳсулотларимиз тасвири туширилган логотип яратдик. Унга корхонамиз, маҳсулот номи, манзили ва алоқа рақамларимизни ҳам киритган ҳолда 15 килограмм маҳсулот сигдирилган қоғоз қутиларнинг ҳар бирига ёпиштириб чиқдик.**

Биласизми, юкимиз Эрон, Сингапур, Мьянма, ҳуллас, манзилга бораган дегунча, 7 та давлат ҳудудида қутилар қайта юкланади. Ана шу жараёнда маҳсулотимизни кўриши натижасида кейинчалик Сингапур, Вьетнам каби 5-6 та давлатлардан янги харидорлар топилди.

Демокманки, ўйлаб ва дид билан бажарилган кичкина ишимиз кенг қўламли реклама хизмати бажариб, маҳсулотимизни экспорт қиладиган давлатлар сафи ошишига сабабчи бўлди.

— **Қорақалпоғистон шариотиди қизилқуми ўсимлиги, асосан, табиий ҳолда ўсади. Илдан-илга ушбу маҳсулотнинг экспорт ҳажми ошаётган бўлса, бу турдаги ўсимликнинг қандай кетиши хавфи туғилмайдими? Ушбу доривор гиёҳни кўпайтириш ва хомашё жамғармасини бойитиш борасида ҳам тўхталми ўтсангиз?**

— Сўнги пайтларда табиий ўсади-ган қизилқуми ўсимлигини экиш ва кўпайтириш устида ҳам ишлялғамиз. Мазкур тadbirkorларни бошлаганимизда олимлар фикри ва тавсияларига сунанганимиз. Бу борада Қорақалпоқ давлат

«ТАДБИРКОРЛИКНИ КЎПЧИЛИК ТАВАККАЛЧИЛИККА ҚУРИЛГАН ЮТУҚЛИ ЎЙИНДЕК ТУШУНАДИ. ЛЕКИН...»

Яқинда мамлакатимиз раҳбарининг Германияга ташрифи давомида икки давлат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, аввало, инновация ва технологиялар, «яшил» иқтисодиёт, муқобил энергетика, транспорт ҳамда логистика, таълим ва маданият соҳаларида ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган эди.

Шунингдек, Берлин шаҳрида ишбилармон доиралари иштирокида ўтказилган форум ишида Германия бизнесида Марказий Осиё мамлакатлари бозоридидаги фаолиятини кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётгани яққол намоён бўлганини эътироф этиш жоиз.

Дарвоқе, бугунги кунда мамлакатимизда яратиб берилаётган имкониятлар сабаб Германияга маҳсулот экспорт қилиб, ушбу давлатнинг нуфузли компанияларининг махсус сертификатларига эга бўлган тadbirkorлар сафи кенгаймоқда. Улардан бири — қорақалпоғистонлик Замира Хожаметовадир.

Мухбиримиз унинг бугунги фаолияти, келгусидаги режалари билан қизиқди.

Интилиш

— Тadbirkorликка кириб келишимга тил билганим, уни янада ривожлантиришга ўқитувчиллик тажрибам катта ёрдам берди, — дейди Кўнғирот туманидаги «Kungrad Agro Solodko Sistem» масъулияти чекланган жамияти раиси З. Хожаметова. — 1992 йилдан 2008 йилгача Нукус давлат педагогика институтида талабаларга дарс бердим. Тadbirkorлик фаолиятини бошлашдан олдин Жанубий Кореядан келган инвесторларга таржимонлик қила бошладим. Туртта тилни билганим сабабли турли мамлакатлардан ташриф бўлган меҳмонларни қутиб олиш ва уларга таржимонлик қилишга тўғри келарди.

Хорижий меҳмонларга нафақат уларни қизиқтирган, балки юртимиздаги ишлохотлар ҳақида ҳам кенг маълумот берадим. Бу эса уларни қувонтириб, Ўзбекистонга қизиқишини янада оширарди.

— **Тadbirkorликда эришаётган ютуқларингиз ҳақида нималар дея оласиз?**

— Тadbirkorликни кўпчилик таваккалчиликка қурилган ютуқли ўйиндек тушунади. Лекин тadbirkorлик ўйин эмас, бу — меҳнат. Бу йўналишда қилаётган меҳнатларингиз қуйиб кетиши ёки катта даромад келтириши ҳам мумкин. Шу боис ҳақиқий тadbirkor, аввало, ҳисоб-китоб ишларида пухта, ҳалол, изланшдан тўхтамайди, ҳуқуқий саводхон бўлиши керак. Яна бир жиҳати, қилган меҳнатлари зое кетса ҳам, ҳар доим ишни «ноль»дан бошлашга тайёр тура оладиган иродига эга бўлиши зарур.

Саволингизга келадиган бўлсам, дастлаб яқна тартибдаги тadbirkorликни йўлга қўйиб, кейинчалик ўндан ортик ишчилар билан шу йўналишда иш бошлаган эдим. Шундан сўнг 2017 йил «Kungrad Agro Solodko Sistem» корхонасини ташкил қилдик. Бугунги кунда 185 нафар ишчи-хоним ишлаётган корхонамиз дунёнинг 14 давлатига маҳсулот экспорт қилади. Йилга 160 тонна қизилқум илдиэсини ишлаб чиқарамиз.

2018 — 2022 йилларда жамиятимиз томонидан 2 млн. АҚШ доллари ва 312 миң евро миқдоридидаги 4 миң тонна қизилқум илдиэсини ишлаб чиқарамиз.

2018 — 2022 йилларда жамиятимиз томонидан 2 млн. АҚШ доллари ва 312 миң евро миқдоридидаги 4 миң тонна қизилқум илдиэсини ишлаб чиқарамиз.

2018 — 2022 йилларда жамиятимиз томонидан 2 млн. АҚШ доллари ва 312 миң евро миқдоридидаги 4 миң тонна қизилқум илдиэсини ишлаб чиқарамиз.



Замира ХОЖАМЕТОВА («Халқ сўзи»)

Файрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи») сўзлашди.

ҲАВО ЛАЙНЕРЛАРИ САМАРҚАНДНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРАДИ



кутс шаҳарлариға тўғридан-тўғри рейслар очилиши кўзда тутилган.

баробарга ошгани диққатга сазовордир.

Шу ўринда Самарқанд халқаро аэропорти ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтсак. Бу аэропорт Ўзбекистон авиацияси тарихида давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган биринчи лойиҳадир. Утган йилда янги терминал очилгандан сўнг "Air Marakanda" МЧЖ Самарқанд аэропортидаги терминал ҳудуди ва самолётларга перронда хизмат кўрсатишни ўз назоратига олди.

Ушандан бери Самарқанд вилояти авиация сегментига янги босқич бошланди. Самарқанд аэропорти бир қатор халқаро сертификатларга эга бўлди ва хорижий рейтингларда юқори ўринларни эгаллади, икки йил кетма-кет Самарқанд аэропортининг янги халқаро терминали Халқаро аэропортлар рейтингини "World Airport Awards" (SKYTRAX) бўйича Маркази Осиёдаги ўнта минтақавий етакчилар қаторидан жой олди.

Утган йили апрелда ташкил этилган янги "Air Samarkand" авиакомпанияси Самарқанд аэропортида жойлашган биринчи авиакомпанияга айланди. Ушбу авиакомпания томонидан Самарқанддан Хайнан, Бали, Сеул, Пхукет, Деҳли, Куала-Лумпур, Бангкок, Хошимин шаҳарлариға Европа йўналишлариға парвозлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Жорий йилнинг ноябрь ойида "Air Samarkand" авиакомпаниясининг биринчи "Airbus A330-300" русумли самолёти Самарқанд халқаро аэропортига олиб келинди.

"Airbus A330-300" — бу дунёнинг етакчи авиакомпаниялари тақдим этадиган замонавий ва хавфсиз самолётдир, — дейди "Air Samarkand" авиакомпанияси бош директори Антон Ходжаев. — Унда, ҳатто энг узоқ йўналишларда ҳам йўловчилар учун юқори қулайлик таъминланади. Ҳаво кемаси туристик классда 277, йўловчини ва бизнес классда 36, йўловчини ташиш имконига эга. Самолёт 11,5 минг километрдан ортиқ масофага тўтовсиз парвозларни амалга оширади. Айни пайтда дунёда 1600 га яқин бундай самолётлар муваффақиятли парвоз қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Самарқанд халқаро аэропорти орқали мамлакатимиздан ташқари Москва, Санкт-Петербург, Сочи, Уфа, Самара, Минвода, Екатеринбург, Новосибирск, Қозон, Жидда, Олмаота, Истанбул, Дубай, Абу-Даби, Боку, Тел-Авив, Урумчи, Измир ва Кувейт Сити йўналишлариға тўғридан-тўғри рейслар амалга оширилиши режалаштирилган.

2023-2024 йилларда яна Сеул, Сиан, Деҳли, Шаржа, Будапешт, Анталия, Красноярск, Махачқалъа, Ир-

Кўрилатган чоралар натижасида Самарқанд халқаро аэропорти дастлабки ярим йилликда хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича ўз рекордини янгилади. Шу йилнинг биринчи ярмида аэропорт 439 минг 664 нафар йўловчиға хизмат кўрсатди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 121,4 фоизга ёки 241 минг 80 йўловчиға кўп. Жорий йилнинг январь — ноябрь ойларида 8 мингга яқин рейслар ўлданди, йўловчилар сони эса 900 мингдан зиёдн ташкил этди.

Йўловчилар оқимининг кўпайиши етакчи ташувчиларнинг самардорлигини ошириш ва янги шерикларни жалб қилиш билан боғлиқ. Янги жорий йилда Самарқанд аэропортидан "Jazeera Airways" ва "Pobeda" ҳамда Ўзбекистоннинг янги минтақавий авиакомпанияси — "Silk Avia" Тошкент, Бухоро ва Урган шаҳарлариға парвозларни амалга оширмоқда.

Умуман олганда, ушбу тармоқни ривожлантиришга қаратилган режалар кўлами бундан-да кенг. Мақсад — бу қадим кентга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимини кўпайтириш, фақат баҳор ва куз ойлариға эмас, балки йил давомида келишни таъминлаш ҳамда уларнинг бу ерда қолиш муддатини узайтиришдан иборатдир.

Абдулқазим ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Обод маҳалла ПАНДИГОНГА ЭНДИ БАРЧАНИНГ ҲАВАСИ КЕЛМОҚДА

"Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" тамойили асосида Фарғона вилоятининг Риштон туманиға қарашли чекка ҳудуд — "Пандигонга МФЙда кенг камровли қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилиб, у қисқа фурсат мобайнида замонавий кийфага эга бўлди.

Бу борада белгиланган ишлар тўлиқ якуниға етказилгани муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят ва туман секторлари раҳбарлари, қўшни Қирғиз Республикасининг Қадамжой, Боткен туманлари ҳокимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, кўп йиллик тарихга эга ва узоқ вақт давомида эътибордан четда қолиб кетган маҳаллада республика ва вилоят бюджети ҳисобидан 8,4 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шу тариха маҳалла инфрамулкисини яшайлиши ҳамда аҳолининг яшаш шaroити бугундай ўзгарди. Эзгу мақсад ижобати йўлида маҳалладаги 755 та хонадон хатловдан ўтказилиб, аниқланган муаммолар бартараф этилди ҳамда эътижманд оилаларға моддий ва маънавий кўмак берилди.

Хусусан, Янгиҳаёт, Мактаб, Шифокорлар, Тошйўли, Намуна ва Истиқбол кўчаларининг 3 км қисми асфальтлаштирилди. Шунингдек, 5 та кўчанин 3,5 км қисми шағаллаштирилиб, асфальтлаш учун тайёр хўлатга келтирилди. Тошйўли кўчасининг 450 метр қисмида педлардан йўлакчаси барпо этилди.

Ўз навбатида, бешта кўчага 203 донга бетон таянч устун ўрнатилиб, 6,5 км замонавий электр кабеллари тортилди. Мустақиллик кўчасига 250 кВтАли янги трансформатор ўрнатилган бўлса, Тошйўли ва Шодлик кўчаларидаги 2 донга 100 кВтАли трансформатор жорий таъмирланди. Шу билан бирга, 7 та кўчаға 7,4 км ичимлик суви тармоғи тортилиб, ичимлик суви қудуги ва ми-

нораси реконструкция қилинди ҳамда янги сув насоси ўрнатилди.

Бундан ташқари, Жамоатчилик маркази, Оқлар гузарни, тикувчилик цехи янгидан барпо этилди. Оилавий шифокор пункти учун 300 млн сўм маблағ сарфланиб, жорий таъмирдан чиқарилди ҳамда керакли тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Томорқадан самарали фойдаланиш мақсадида 182 та хонадонға 45 килограмдан кўп уруғлар тарқатилиб, тўқсонбости экинлари экилишиға кўмаклашилди. Маҳалладаги 675 та хонадонда ободонлаштириш ишлари олиб борили ҳамда 15 минг тупдан зиёдрок мева ва манзарали дарактлар экилди.

— Айни жараёнда ҳам таъминланган 11 та оила хонадонларида 300 млн сўмликдан кўпроқ таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди меҳнат фахрийси Турсунбой Абдурахмонов. — Ўрганишлар давомида аниқланган 88 нафар ишисизнинг доимий бандлиги таъминланди. Шунингдек, 4 минг 150 фўқаро тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 39 нафарига бепул дори-дармон тарқатилди, 6 нафарига ордер берилиб, даволаниш учун сихаттоҳ ва саломатлик марказлариға жойлаштирилди.

Умуман айтганда, бугунги кунда Пандигоннинг янги ва замонавий кийфаси кексаю ёшнинг хайрат ва ҳаяжонига сабаб бўлмоқда. Демак, Пандигон ва пандигонликларға эндиликда барчаниннг ҳаваси келаётгани айни ҳақиқатдир.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Хизмат

Самарқанд халқаро аэропорти шаҳарнинг "ҳаво дарвозаси" ҳисобланади. Бу ерга ташриф буюраётган меҳмонларнинг илк таассуротлари айнан мана шу ердан бошланади. Шу боис ушбу мажмуадаги бино ва иншоотларнинг архитектураси, дизайни, хизмат кўрсатиш маданияти, қолаверса, аэропорт ҳудудидаги муҳитнинг Самарқандга ҳос ҳамда мос бўлишиға алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, Самарқанд халқаро аэропортиға бобомиз Мирзо Улуғбекнинг "Зижи ҳадиди Қўрагоний" китоби саҳифаларининг очилган ҳолатдаги кўриниши сингдирилгани ҳам беҳиз эмас.

Утган йили Самарқанд халқаро аэропорти тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишға топширилди ва бу ерда йўловчилар ҳамда кузатувчилар учун барча зарур шароит яратилди.

— Аэропорт энг янги технологиялар билан таъминланган, — дейди Самарқанд вилояти ҳокими ўринбасари Рустам Қобилов. — Мисол учун, багаж системаси тез ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш, рўйхатдан ўтиш устунлариға энг сўнгги технологиялар қўлланилган. Бу терминалнинг яна бир ахамиятли жиҳати шундаки, эндиликда йўловчилар "божончи-

сиз назорат" тизими орқали ҳаракатланишади.

Гувоҳи бўлдики, йўловчилар божончи хизматиға дўх келишмапти. Бу тизим ривожланган давлатлар тажрибасидан олинган. Дунёнинг санюкли халқаро аэропортларида бундай амалиётни қўришингиз мумкин.

Эндиликда йўловчи-сайёҳлар ва кузатувчилар учун аэропорт олдиғача шахсий ва жамоат транспортда келиш ҳамда яқинларини аэропорт ичидан кузатиб юбориш имконияти яратилди. Қолаверса, Самарқанд халқаро аэропорти минтақадаги йирик ҳаба айлантириш мақсадида очик осмон режими ва бешинчи ҳаво эркинлиги ҳуқуқи жорий этилди.

Бунинг натижасида 2021 — 2025 йиллар давомида йўловчилар кўрсаткичини соатига 350 дан 600 нафарға ошириш, мунтазам авиақатновлар кўрсаткичини ҳафта-сига 280 таға, йўловчилар оқимини йилға 1,5 млн. нафарға етказиш имконияти яратилди.

Хисоб-китобларға кўра, ўтган йили Самарқандға ташриф буюрган хорижий сайёҳлар 1,2 млн. нафарға етиб, туристик хизматлар экспортни 197,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Жорий йил якуниға қадар эса 2,1 млн. нафар хорижлик жалб қилиниб, туризм хизматлари экспортни 312 млн. АҚШ доллариға етказилиши режалаштирилган. Сайёҳлар ташриф буюрадиغان хорижий давлатлар географияси ҳам қарийб икки

Тўхфа ЯНГИ ИНШОТЛАР ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Яқинда Пастдаргом туманидаги "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинининг кўркем маъмурий биноси ҳамда шу маҳалла ҳудудида замонавий кўринишдаги 117-умумтаълим мактаби фойдаланишға топширилди.



Илғари фуқаролар йиғини биносидиға шарт-шароитларға ҳавас қилиб бўлмасди. Албатта, бундан масъуллар ҳам хижолат чекишарди.

Бугун эса кўркем, кенг, ёруғ ва иссиқ хоналарда фуқароларни қабул қилиш, уларнинг фикрларини эшитиш ҳар икки томон учун ҳам мароқли ва қулай. Шунингдек, қишлоқда барча қулайликка эга замонавий мактаб биносининг қад ростилаши ота-оналар ва фарзандлар учун муносиб тўхфа бўлди.

Пахтача туманининг энг чекка Қарнабота қишлоғида 33-болалар мусиқа ва санъат мактаби учун 150 ўринли концерт зали, Тайлоқ туманининг Бунёдкор маҳалласида 27-мактабгача таълим ташкилотининг янги ва замонавий биносининг фойдаланишға топширилгани ҳам қишлоқ аҳолининг қувончига қувонч қўшди.

Ижтимоий объектларнинг очилиш маросимида иштирок этган нурунийлар, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари бу ерда ёш авлод учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди. Йирилганлар юртимизда таълим-тарбияға қаратилган эътибордан мамнун эканликларини билдирди.

(«Халқ сўзи»).

«Ватан тараққиётиға менинг ҳиссам»

Қарши шахрида айни шу номдаги республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими томонидан ташкил этилган ушбу танловда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ижодкорлар "Тас-

вирий ва амалий санъат", "Адабиёт ва публицистика" ҳамда "Миллий маком ва миллий эстрада" каби учта йўналишда беллашди.

Уларнинг натижалари ҳар бир йўналиш бўйича тайинланган ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Яқунда "Адабиёт ва публицистика" йўналишида Муборак туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Бибиғул Адиева, "Тасвирий ва амалий санъат" йўналишида Касби туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Дилноза Қиличова, "Миллий маком ва миллий эстрада" йўналишида эса Қарши ихтисослаштирил-

ган санъат мактаби ўқувчиси Жасмина Шералиева голиб, деб топилди.

Тадбирда фаол иштирок этган ҳамда турли номинациялар бўйича голибликни қўлга киритган иштирокчилар ташкилотлар томонидан муносиб тақдирланди.

Жаҳонир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

КИТОБ — ТАФАККУРНИНГ ТОЛМАС ҚАНОТИ

Илм — ақл чироғи, дейдилар. У инсонни эл орасида ҳурмат-эътиборға, бахт-саодатға етказиши мумкин. Илми кишиға эса доимий ҳамроҳ ва унинг илҳомлантирувчиси, аввало, китобдир.

Китоб — авлодлар занжирини мустаҳкамловчи маънавий мерос. У инсон руҳиға таъсир этиб, маънавий-ахлоқий камолотға етказиши, ақлини чарқлайди.

Давлатимиз раҳбари китоб мутолааси, китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилишға алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада тегишли фармойиш ва қарорлар ҳам қабул қилинди.

Мушоҳада

Бугунги глобаллашган, онгу қалбга таҳдидлар қучайган замонда ёшлар маънавиятини, маданиятини, тафаккурини юксалтиришда китобхонлик ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади.

Китоб — инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаи. Шу боис халқимиз уни нондай азиз, мўстабар ва муқаддас билади. Китобға муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишға иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Инсон ўзининг фикрлаш қобилияти, маънавий дунёси билан тирик. Одамни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи омилардан бири ҳам унинг маънавияти ҳисобланади.

Хозирги ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компьютерға берилиб кетди. Тўғри, инсталган анимация ахбороти бу воситалардан олиш мумкин. Бироқ ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки видеофильм қалб ва руҳни тарбиялаш нўқтай назаридан бадий асар ўрнини босолмайди.

Маърифатли оилаларда китобға эътибор фарзандлар тарбиясида қўл келади. Аммо хозирги кунда "Интернет кафе"лари тўлдирган, эртақ кеч вақтини ҳар хил компьютер ўйинларини ўйнаш билан ўтказётган ёшларни кўриб, ёши улугларнинг, ота-оналарнинг фарзандлариға эътиборсизлигидан, уларға тўғри йўл кўрсатмаётганидан ачинасиз. Бу ёшлар эсини таниганда, ниданок китобға ошно тутинишганида, оилада бўш вақтни мутолаа билан ўтказишға ўргатилганида балки улар бугун ўзига, ота-онасига, халқимизға фойдали иш билан шуғулланишғаётган бўлишармики?!

Китоб — бу офтоб, билимлар сар-

часмаси. Уни инсон тафаккурининг қанотлариға беҳиз ўқатишмаган. У киши билимини оширибгина қолмай, онгининг, ҳаёл оламининг энг қуйи пучмоқларини-да ёритиб юборади. Тафаккур, фикр доираси кенг маърифатли кишилар эса жамиятнинг чинакам бойлиғидир.

Ақсинча, ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликлар илдизи эса маърифатсизлик, китоб ўқимасликнинг ачқик меваси. Темири занг кемирганидек, одамни ҳам маънавиятсизлик мўрт қилади. Маънавият эса инсонға китоб ўқиш орқали юқади.

Ҳар қандай янгилик ҳам бир кун эскиради, бироқ инсониятнинг минг-минг йиллар давомида қўлга киритган ақлий ҳамда фикрий дурдоналарини ўзида жамлаган китоблар асло эскирмайди. Инчунин, хозирги кунда ёш авлодин миллий қадриятлар рўйида тарбиялашда китобдан кўра қудратлироқ восита йўқ.

Бугун юртимизда ёшларға кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Чунки эртамин эгалари, миллитимиз шавъни, миллий ғурурини юксалтирувчи бу — ёшлар. Шу боис келажакимиз ворисларини мавжуд шарт-шароитлардан унумли фойдаланишға ўргатишимиз, қалбларида билимға, ҳалолликка, меҳнатға муҳаббатни тарбиялашимиз шарт. Айниқса, улар вақтини қадрлашға ўрганса, олдиларига қўйган мақсадларға, албатта, эришади. Зеро, ёшлик — умрининг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиған, сувда чўкмайдиған, ҳеч ким тортиб ололмайдиган бойлик.

Китоб кишилик жамиятининг маънавий тараққиётида бекиёқ аҳамиятга эга

бўлгани қадимдан маълум. У инсонда гўзалликни англаш, ундан завқланиш, ёвузликдан нафратланиш туйғуларини ривожлантиради. Ўқувчиға дунёни англаб олишда кўмак бериш билан бир қаторда унинг илмий, маънавий дунё-қарашини шакллантиради, ихобий характерни таркиб топтиради, ҳаёт ва турмуш зиддиятларини қандай қилиб ечиш йўллариини ўргатади.

Китоб ўқиган инсон мулоҳазали, мушоҳадали бўлиб, бошқалардан ўзининг дунёқарашини ва фикрлашини билан ажралиб туради. Муомала маданияти юксак, етук шахс сифатида ҳаётда ўз ўрнини топа олади.

Қадимда буюк шоир ва ёзувчиларимиз, олимларимиз китобни тафаккур қуёшиға тенглаштирган. Улар китобға шу қадар меҳр қўйган эдики, ҳатто туналари ҳам ёруғида мутолаа қилганлар. Сўз мулкларининг султони Алишер Навоий ҳазратлари 7 ёшиға Фариддин Атторнинг "Мантқиқ ут-тайр" асарини бир неча бор ўқиб чиққан, буюк муҳаддисимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари эса олти мингдан зиёд ҳадисларни ёд билган. Аммо у даврларда бизга яратилган имкониятларнинг ўндан бири ҳам бўлмаган. Лекин улар ўз мақсадлари сари интилиб, юксак маънавият соҳибига айланган.

Атоқли адимимиз Ойбек таърифича, китоб — тафаккурнинг толмас қаноти. Шу маънода айтиш мумкинки, китоб — инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинасидир. Биз шунга эришишимиз кераки, фарзандларимиз учун китоб энг бебаҳо совға бўлсин. Шундагина ёшлар биз оруз қилгандай, маънавий етук, теран фикрлай оладиган, катта ва кичика меҳрибон, Ватаниға содиқ, инсофли, диёнатли ва олийжаноб инсонлар бўлиб камол топади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари "Китоб — беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишға эришишнинг энг асосий манбаи", дея таъкидлаган бўлса, соҳибқирон бобомиз Амир Темури "Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идроқнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир", дея уқитирган.

Адабиётшунос олим Сафо Матчонов таъкидлаганидек, "Илмий асарлар раф-лат ва жаҳолатдан қутқарса, бадий



Суратнинг ВОҲИДОВ олган сурат.

асарлар дағаллик ва разолатдан ҳалос этади. Уни ҳам, буниси ҳам кишиларнинг маърифатли, бахт-саодатли бўлиши учун баб-баравар фойдали ва зарурдир".

Дарҳақиқат, китоб ўзида ривожлантирувчи ва тарбияловчи улкан имкониятни сақлайди, инсониятнинг маърифий бойлиқларини ўқувчи тажрибасига ошно этади, унинг ақлини ривожлантириб, ҳис-туйғуларини юксалтиради. У ёки бу асар ўқувчи томонидан қанчалик қуқур ва тўлиқ қабул қилинса, бу асар унинг шахсига шунчалик катта таъсир кўрсатадики, китобхон ўз олдига буюк мақсадлар қўйиб, ёмон иллатлардан сақланади.

Шахс тақомилида оилавий муҳит, оилавий қадриятлар асосий восита ролини ўтайди. Ота-онанин маънавий даражаси, ахлоқий қарашлари бевосита фарзандға ҳам қўчиб ўтади, улар шахсиятида акс садо беради. Бинобарин, китобхонлик, бадий адабиётға муҳаббат ҳам инсон маънавий тафаккурини, тарбия аҳолини намоян қилувчи муҳим хусусиятлар сирасидандир. Китоб дунёсига ошуфта, адабий оламға ҳамнасад, бадийятдан баҳраманд қалб ағаси ўзидаги бу туйғу ва фазилатларни атрофидигарларға, айниқса, оиласига ҳам юқтириши, сингдириши эҳтимоли юқори. Китобхон ота-оналарнинг фарзанди ҳам китобға ўзгача меҳр

кўрсатади, бу маънавият хазинасига табиий қизиқиш ва интилишға олиб келади. Шу боис китобхон авлод тарбиясида, аввало, ота-онанин тарбияли бўлиши, бадий адабиётға ошно эканлиги муҳим зарурят.

Жамиятда китобхонлик қай даражада кенг оммалашган бўлса, зиёли инсонлар шунчалик кўп бўлади, ўз навбатида, бу жойда умуминсоний қадриятлар барқарор турмуш тарзига айланади.

Жамиятда китобхонлики ривожлантириш, мутолаа маданиятини тақомиллаштириш борасидаги ҳар қандай фаолиятда оила билан тарбия масканлари ҳаммаган, ҳамфикр бўлиш ижтимоий мақсадға мувофиқ.

Сирасини айтганда, ҳар бир оила, ҳар бир тарбия маскани ва маҳалла ёшлар тарбиясида ўз масъулиятини, жавобгарлигини ҳис этиши — бугун давр талаби. Зотан, янги Ўзбекистонни, учинчи Ренессанс пойдеворини билимли, маънан баркамол етук ёшлар билангина қурш мумкин. Бундай навқирон авлод, аввало, китоб билан дустлашган йигит-қизлар экани, шубҳасиз.

Сафия ҚАЛАНДАРОВА, Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлар Академияси доценти, PhD.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Таҳририятта келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетаниннг сўзлари берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетаниннг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойкуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Газетаниннг ҳақиқати маълумотларини текшириш учун QR-коддин телефоннинг орқали сканер қилинг.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.05 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6